

Кон-геология директорлигининг
2023 йил 12 апрелдаги
27-сонли буйруғи-асосан
“Китоб геология, миллий
табиат боғининг 2024 йил
16 февралдаги буйруғига
2-ИЛОВА

**“Китоб миллий табиат боғи” ДМнинг коррупцияга
қарши курашиш бўйича Сиёсати
I боб. Умумий қоидалар**

1.1. Китоб геология миллий табиат боғининг (кейинги ўринларда – табиат боғи деб юритилади) коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсати (кейинги ўринларда – Сиёсат деб юритилади) ходимлар орасида ҳамда Табиат боғида коррупцияга қарши курашиш маданияти даражасини ошириш мақсадида амалга оширилади, Табиат боғи ходимларининг юқори ахлокий меъёрларга содиқлигини, шунингдек, Табиат боғи марказий аппарати, таркибий бўлинмаларининг ходимлари фаолиятида коррупциявий ҳуқуқбузарликларга муросасизлик ва уларни содир этишга йўл қўймасликни акс эттиради.

1.2. Ушбу Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон, 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сон, 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайитириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сон Фармонлари ҳамда 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-5177-сон қарори, Директорлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябридаги “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 595-сон қарорига мувофиқ коррупцияга қарши кураш соҳасидаги халқаро ташкилотлар тавсиялари ва илғор дунё тажрибаси, шу жумладан, ISO 37001:2016 халқаро стандарти талаблари ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

1.3. Табиат боғида коррупцияга қарши курашишнинг асосий мақсади қуйидагилар ҳисобланади:

Табиат боғининг таркибий бўлинмаларида коррупцияни тубдан бартараф этишга эришиш;

ходимларининг ҳукукий онги ва ҳукукий маданиятини ошириш, орқали коррупцияга нисбатан тоқатсизлик муносабатини шакллантириш;

Табиат боғининг таркибий бўлинмалари фаолиятининг барча соҳаларида коррупцияни олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

коррупциявий ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш, оқибатлари, коррупциявий ҳуқуқбузарликларга олиб келувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини таъминлаш.

1.4. Мазкур Сиёсат талаблари эгаллаб турган лавозими ва бажараётган функциясидан қатъий назар Табиат боғининг барча ходимлари учун бирдек амал қилади.

1.5. Сиёсат Табиат боғининг ички ҳужжати сифатида юқорида кўрсатилган асосий мақсадларга эришиш учун Табиат боғининг таркибий бўлинмалари фаолиятида коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга барҳам беришга қаратилган асосий талаблар ва тамойилларни белгилаб берувчи асос ҳисобланади.

1.6. Табиат боғига ишга кираётган ҳар қандай шахс мазкур Сиёсат билан имзо чеккан ҳолда танишишлари, унинг барча қонун-қоидаларига риоя қилиши лозим.

1.7. Мазкур Сиёсатнинг мақсадлари учун қуйидаги асосий тушунчалар ва атамалардан фойдаланилади:

алоқадор шахслар - Табиат боғи ходими билан тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар, акциялари Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган миқдордаги акцияга эга эканлиги бундан мустасно;

давлат органлари ва муассасалари – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари (жумладан, табиат боғилар, хизматлар, агентлик, марказлар ва бошқа идоралар) ва уларнинг таркибий бўлинмалари, шунингдек давлат томонидан бевосита ёки билвосита назорат қилинадиган юридик шахслар;

халқаро тадбирлар - давлат органи номидан, унинг расмий вакиллари ҳамда хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш, алоқаларни ривожлантириш, тажриба алмашиш мақсадида ташкил этиладиган ва ўтказиладиган тадбирлар, хусусан Ўзбекистон Республикаси делегациясининг хорижий мамлакатга, хорижий мамлакат делегациясининг Ўзбекистон Республикасига ташрифи билан боғлиқ тадбирлар;

расмий тадбирлар - давлат органига юклатилган вазифа ва функциялардан келиб чиқиб, давлат органи номидан, унинг расмий вакиллари иштирокида ташкил этиладиган, муайян мақсадларга эришишга қаратилган тадбирлар (*расмий*

қабул, маросим, учрашув, анжуман, семинар, брифинг, симпозиум, тақдирот, давра суҳбати ва бошқа тадбирлар);

хизмат сафари - давлат органи раҳбарининг буйруғига (қарори, фармойишига) асосан давлат фуқаролик хизматчиси ўзининг доимий иш жойидан бошқа жойга (*Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки унинг ҳудудидан ташқари*) хизмат вазифасини ва топшириғини бажариш учун муайян муддатга юборилиши;

контрагент – ташкилот билан шартномавий муносабатларга киришган (меҳнат муносабатлари бундан мустасно) ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс;

коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

коррупциявий хавф-хатар – Табиат боғи ходимлари ёки учинчи шахслар томонидан ташкилот номидан ёки уларнинг манфаатлари йўлида коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш хавфи;

коррупциявий ҳаракатлар – Табиат боғи ходими томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкый ҳуқуқлар, мулкый ҳаракатдаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмийлаштирилган соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

коррупциявий ҳуқуқбузарлик – содир этилганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида жавобгарлик белгилаб қўйилган коррупция аломатларига эга ҳатти-ҳаракат;

коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси – Табиат боғининг коррупцияга қарши Ички назорат бўлими;

коррупцияга қарши курашиш тизими – коррупциявий ҳаракатларнинг, Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги ва Табиат боғининг коррупцияга қарши курашиш масалаларига доир ички ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш, Табиат боғи ходимлари томонидан ўз фаолиятини профессионал ва ҳуқ-атвор жиҳатдан юксак даражада амалга оширилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар;

кронизм (фаворитизмнинг дўстона алоқаларга асосланган кўриниши) – дўстлар ёки ишончли шахсларга ноқонуний имтиёзлар тақдим этиш мақсадида ҳокимият ва/ёки обрўсидан фойдаланиш;

мансабдор шахс: доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланган ёки сайланган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-

бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс.

манфаатлар тўқнашуви - Табиат боғи ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, Табиат боғининг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилиқ юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

махаллийчилик – маҳаллий манфаатларнигина кўзлаб иш тутиш. Бунда, шахсни унинг наслий келиб чиқиши (аслзода ёки машҳур сулола вакили эканлиги ва у жамоатчилик томонидан эътироф этилганлиги) ҳамда яқин қариндошларининг эгаллаб турган хизмат мавқеи сабабли, унинг лавозимга қўйиладиган малака талабларига мос келиш-келмаслигини ҳисобга олмаган ҳолда ишга қабул қилиш, ротация қилиш ва лавозимга тайинлаш;

непотизм - (таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик, фаворитизмнинг қариндошлиқ ришталарига асосланган кўриниши) - ўзининг яқин қариндошлари ёки дўстларига ноқонуний имтиёзлар бериш мақсадида ҳокимиятдан фойдаланиш ва (ёки) таъсир ўтказиш, шунингдек, яқин қариндошлари ва (ёки) дўстларига асоссиз мукофотлар ҳисоблаш, Табиат боғи манфаатлари зарарига, яқин қариндошлари ва дўстларини ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлашлар;

расмийлаштириш - белгиланган тартиб-таомиллар ёки ҳаракатларни содир этиш билан боғлиқ стандарт тартиблар амалга оширилишини таъминлаш ёки тезлаштириш мақсадида тегишли қонунчилик ва норматив меъёрлар ҳамда қоидаларда кўзда тутилмаган ноқонуний равишда тақдим этиладиган пул маблағлари, мол-мулк, мулкӣ ҳуқуқлар, хизматлар ҳамда бошқа моддий ва номоддий фойда;

уруғ-аймоқчилик – Табиат боғи ходимининг авлод-аждодлари бир бўлган, бир сулолага мансублик асосида учинчи шахсларга нисбатан субъектив, имтиёзли ва ноҳолис муносабат шаклидаги шахсий манфаатдорлиги;

фаворитизм – Табиат боғи ходими бошқа шахс ва/ёки шахслар гуруҳи манфаатларига қараганда битта шахс ва/ёки шахслар гуруҳи манфаатларига устувор аҳамият қаратиши, Табиат боғида кадрларни танлаш ва жойлаштириш, лавозимини кўтариш, мукофот пули бериш ва давлат мукофотларига тавсия этиш, таътил бериш ёки сихатгоҳлар ва хорижий сафарларга юбориш, мурожаатлар, шунингдек, иш ва навбатчилик жадвалларини кўриб чиқишда кетма-кетликни йўлга қўйиш билан боғлиқ вазиятларда тартибларга риоя қилмаслик.

хайрия (хайрия ёрдами) – юридик ва жисмоний шахслар (хайрия қилувчилар)нинг Табиат боғи учун бепул ёки имтиёзлар асосида моддий ёки номоддий бойликлар, хусусан, пул маблағлари шаклидаги бойликларни топшириш, улар учун маълум ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва хайрия

максадларидаги бошқа қўллаб-қувватлашларни тақдим этишда намоён бўладиган ихтиёрий бегараз ёрдами;

халқаро ташкилот – давлатлар, ҳукуматлар ёки бошқа халқаро ташкилотлар томонидан ташкилий шакли ва ваколатларидан қатъий назар ташкил этилган ҳар қандай халқаро ташкилот, жумладан, масалан иқтисодий интеграция бўйича минтақавий ташкилотлар.

ходим – Табиат боғи билан меҳнат шартномаси асосида муносабатларига киришган жисмоний шахс;

хомийлик (хомийлик ёрдами) – юридик ва жисмоний шахслар (хомийлар) томонидан Табиат боғи (хомийлик қилинаётган муассасалар)га улар учун ишлар бажариб бериш, хизматлар кўрсатиш ва ҳайрия максадларида бошқа турдаги ёрдамларни кўрсатиш, мол-мулк, жумладан пул маблағлари тақдим этиш билан ифодаланадиган ёрдами ҳисобланиб, уларнинг натижасида Табиат боғи муассасаларида хомий олдида ўзаро мажбуриятлар юзага келади;

шафелик – ходимнинг лавозими юқорироқ бўлган бошқа ходим томонидан қулай меҳнат шароитларини яратиб бериш шаклидаги ҳимояси, уни ёклаб ёнини олиши;

яқин қариндошлар – бир-бирига қариндошлик ёки яқин алоқаси бор шахслар, яъни ота-она, туғишган ҳамда тутинган ака-укалар ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзандлар (жумладан, асраб олинган фарзандлар), бувалар, бувилар, набиралар, шунингдек эр (хотин)нинг ота-онаси, туғишган ва тутинган ака-укалари ва опа-сингиллари.

II боб. Коррупцияга қарши курашишнинг муҳим тамойиллари

2.1. Табиат боғининг таркибий бўлинмалари коррупцияга қарши курашиш тизимини қуйидаги тамойилларга асосланиб амалга оширади:

конунийлик - Табиат боғининг таркибий бўлинмалари коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари, давлат органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича жаҳонда тан олинган амалиётни ҳисобга олган ҳолда ҳамда Табиат боғи тизимининг белгиланган ички ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади;

коррупцияга тоқатсизлик - Табиат боғининг таркибий бўлинмалари ўз фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг ҳар қандай шакллари ва кўринишларига муросасиз муносабатда бўлади. Табиат боғининг ходимларига коррупциявий хавф-хатар келиб чиқиши мумкин бўлган фаолиятда бевосита ёки билвосита иштирок этиш тақиқланади;

очиқлик ва шаффофлик - Табиат боғи тизимида коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида Табиат боғи ходимлари ва контрагентларини, кенг жамоатчиликни хабардор қилиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора - тадбирларнинг превентивлиги, тизимлилиги - Табиат боғининг таркибий

бўлинмалари коррупциявий ҳатти-ҳаракатлар содир этилишига ва коррупциявий хавф-хатарларга кўмаклашувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган превентив чора-тадбирларни амалга оширишга устувор аҳамият беради. Коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар аниқланган хавф-хатарлар даражасига мувофиқ келади ҳамда Табиат боғининг барча функциялари ва йўналишларига интеграция қилинган коррупцияга қарши курашиш тизимига бирлаштирилган;

коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги - коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этган Табиат боғи тизими ходимлари ўзининг мақоми ва эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар Табиат боғининг ички ҳужжатлари ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиладилар;

техника тараққиётининг ютуқларидан фойдаланиш - Табиат боғининг марказий аппарати таркибий бўлинмаларида коррупцияга қарши курашиш тизимини яратишда илм-фан тараққиётининг сўнгги ютуқларидан, шу жумладан, интеграциялаштирилган ахборот тизимларидан фойдаланишга интилади;

тўғридан-тўғри раҳбариятга мурожаат қилиш - Табиат боғи тизимининг ҳар бир ходими коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилганлигини тўғрисида ишончли ва асосли маълумотлар мавжуд бўлганда белгиланган чораларни кўриш учун тўсқинликсиз ташкилот раҳбарига ёки Табиат боғининг Коррупцияга қарши ички назорат бўлимига мурожаат қилиши мумкин;

фуқаролик Табиат боғи вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик - Табиат боғининг марказий аппарати таркибий бўлинмалари ўзларига юклатилган функцияларни бажаришда Табиат боғи фаолиятини ҳалоллик, ҳолислик ва мустақиллик асосида мустақил назорат қилиш мақсадида фуқаролик Табиат боғи вакиллари жалб этадилар;

коррупцияга қарши курашиш тизимини доимий равишда такомиллаштириш - коррупцияга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни амалга ошириш натижаларига кўра Табиат боғининг бўлинмалари Табиат боғи тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлигини тўхтовсиз равишда ошириш чораларини кўрадилар.

III боб. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишлари

3.1. Манфаатлар тўқнашувини бошқариш

3.1.1. Табиат боғининг таркибий бўлинмалари ходимлари ўз хизмат мажбуриятларини бажариш ва Табиат боғи манфаатларини ифодалаш доирасида виждонлилик ва ҳалоллик тамойилларига амал қилиши, шахсий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ўзларининг хизмат мавқеидан ва Табиат боғининг тизим қорхоналарининг мол-мулкидан фойдаланмаслик ва манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган вазиятлардан сақланишлари лозим.

Табиат боғи ва тизим корхоналари ходимларининг ўзларининг хизмат мажбуриятларини лозим даражада ва холис бажаришларига, жумладан, холис қарор қабул қилишга ҳамда Табиат боғининг таркибий бўлинмаларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари, мол-мулки ва нуфузига таъсир қиладиган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган вазиятда манфаатлар тўқнашуви юзага келади.

3.1.2. Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, Табиат боғи ходими ўзининг раҳбарига ёки юқори турувчи давлат органига дарҳол ёзма шаклда хабар қилиши керак.

3.1.3. Табиат боғи ходимлари манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида белгиланган муддатларда ва тартибда даромадлари ҳамда мол-мулки тўғрисида декларация тақдим этиши шарт.

3.1.4. Табиат боғи тизимининг ходимлари ишга қабул қилинишида, бошқа лавозимга ўтказилишида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлиги ҳақидаги маълумотларни ҳар йили ва тегишли ҳолатлар юзага келишига қараб ошқор қилишга мажбурдирлар. Табиат боғининг таркибий бўлинмалари томонидан манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни ошқор қилиш (декларациялаш) ва уни ҳал қилиш жараёни Табиат боғи тизимида “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги Низом” билан тартибга солинади.

3.2. Иш юзасидан совғалар ва меҳмондўстлик белгиларини қабул қилиш

3.2.1 Табиат боғининг таркибий бўлинмалари ходимларига ўз хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жисмоний ва юридик шахслардан бирон-бир моддий қимматга эга бўлган мол-мулк ёки ходимга (унинг оила аъзоларига) беғараз кўрсатилган хизмат, совға ёки иш жараёнида меҳмондўстликнинг белгилари, қарз, кафолатлар, кафилликлар, мукофотлар шаклида рағбатлантириш воситаларини, нақд пул маблағлари ёки уларнинг эквиваленти, қимматли қоғозлар кўринишида моддий ёрдам қабул қилиш таъқиқланади.

3.2.2. Шу билан бирга, Табиат боғининг ходими Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидада ўтказиладиган халқаро ва бошқа расмий тадбирларда совға олиши мумкин. Бунда совға қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари, Табиат боғининг ички меъёрий ҳужжатлари ҳамда ушбу Низом талабларига мувофиқ бўлиши;

совғанинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 (тўрт) бараваригача бўлиши;

совға уни берувчи томонидан аниқ бир халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан ихтиёрий тақдим этилган бўлиши;

давлат фуқаролик хизматчиси томонидан очик ва ошқора қабул қилиниши;

табиат боғининг обрўсига (нуфузига) путур етказмаслиги;

манфаатлар тўқнашуви ёки коррупциявий хавф-хатарларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмаслиги, хусусан давлат фуқаролик хизматчисининг хизмат фаолиятида холис қарор қабул қилишига таъсир кўрсатадиган мажбуриятни юзага келтирмаслиги.

3.2.3. Табиат боғи ходимиға тақдим этилган тез яроксиз ҳолға келувчи маҳсулотлар (табиий гулдаста, ширинликлар ва ҳ.к.), шунингдек канцелярия тўпламлари (таквим, буклет, пластмассали ручка, кундалик ва блокнот) совға сифатида расмийлаштирилмайди ҳамда ушбу совғалар ходим томонидан ўз хоҳишига кўра тасарруф этилади.

3.2.4. Табиат боғининг барча ходимлари томонидан расмий делегациялар таркибида, расмий тадбирларда, жумладан, хорижда олинган совға юқоридаги талаблардан биронтасига номувофиқ бўлса, ҳар қандай совғалар суммасидан катъи назар Табиат боғининг мулкига ўрнатилган тартибда ўтказилади.

3.2.5. Табиат боғининг барча ходимларига уларнинг шахси билан боғлиқ байрамлар (туғилган кун, боланинг туғилиши, “Халқаро хотин-қизлар куни”, Мустақиллик куни)да берилган, хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ бўлмаган совғалар ходимнинг шахси билан боғлиқ совғалар деб тан олинади. Шунингдек мусобақалар ва танловларда эришган ютуқлари, давлат байрамлари, нишонланадиган саналар ҳамда бошқа расмий тадбирлар муносабати билан мукофотлаш натижасида олинган совғалар мустасно.

3.2.5.1. Бундай совғаларни беришда қуйидаги талабларга риоя қилиш лозим:

совғалар Табиат боғининг марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг камида уч нафар ходимлари иштирокида берилиши;

совға бериш жарёни табрик нутқи билан бирга бўлиши, унда совға беришга сабаб бўлган воқеа ўзининг аниқ ифодасини топган бўлиши;

совғанинг умумий киймати (барча солиқлар ва йиғимларни ҳисобга олган ҳолда) меҳнатга ҳақ тўлашнинг 4 (тўрт) бараваридан ошмаслиги;

Табиат боғининг таркибий бўлинмаларининг битта ходими бошқа ходимга совға учун сарфлайдиган ҳаражат суммаси, ҳар бир ҳолатда 1 (битта) базавий ҳисоблаш миқдоридан ошмаслиги керак.

3.2.6. Шубҳалар пайдо бўлмаслиги учун бошқа давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари, шериклар ва контрагентлар, жисмоний ва юридик шахслардан ҳар қандай байрам (туғилган кун, фарзанд туғилиши, “Халқаро хотин-қизлар куни” ва ҳ.к.) билан боғлиқ ҳолда олинадиган совғалар ва бошқа моддий бойликларни олиш таъқиқланади.

3.2.6. Табиат боғи номидан халқаро конференцияларда, симпозиумларда ва бошқа ишбилармонлик (хизматга оид) йиғилишларда совғалар бериш Директор ёки унинг ўринбосарларининг буйруғи билан амалга оширилади.

3.2.7. Совғани қабул қилишнинг қонунийлиги тўғрисида шубҳа туғилган ҳар қандай таркибий бўлинмалар ходими Табиат боғининг коррупцияга қарши гуруҳига маслаҳат сўраб мурожаат қилиши лозим.

3.3. Табиат боғи ходимларининг иш фаолияти юзасидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиши

3.3.1. Табиат боғи ходимларининг халқаро ва бошқа ташкилотлар таклифига кўра иш фаолияти юзасидан ўтказиладиган тадбирлари (кўргазмалар, семинарлар, конференциялар ва ҳ.к.) да иштирок этишига қуйидаги шартларга риоя қилган тақдирда рухсат этилади:

тадбир Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, мазкур Сиёсат тамойиллари ва талаблари ҳамда Табиат боғининг бошқа ички ҳужжатларига мос келиши;

тадбир Табиат боғи ёки таклиф этган томоннинг қонуний манфаатларига хизмат қилса;

тадбир Табиат боғи ходимлари томонидан у ёки бу қарорлар қабул қилинишига таъсир қилмаслиги, бирор-бир ноқонуний афзалликларни қўлга киритишни кўзлаган яширин ноқонуний мукофотлаш мақсади бўлмаслиги лозим;

тадбир бундай тадбирда иштирок этишга доир маълумотлар ошкор қилинган тақдирда Табиат боғи ва таклифни қабул қилувчи ёки таклиф этаётган томон мавқеи учун хатар туғдирмаслиги лозим;

тадбир умумэътироф этилган илмий ва ишбилармонлик амалиётига мос келиши ҳамда кўнгилочар мазмундаги хусусият касб этмаслиги лозим;

тадбир моҳияти ва қийматига кўра ўринли бўлиши, ҳаддан зиёд ҳашаматли, қиммат, ғайриодатий бўлмаслиги ва тез-тез такрорланиб турмаслиги лозим.

3.3.2. Агар ишбилармонлик тадбирлари (семинар, симпозиум, давра суҳбатлари ва ҳ.к.) ташкилотчиси Табиат боғи ўзи бўлса, у ҳолда бундай ишбилармонлик тадбири ушбу сиёсатда қайд этилган талабларга мос келиши лозим.

3.4. Кадрлар билан боғлиқ жараёни тартибга солиш (ходимларни танлаш, лавозимини ошириш, моддий рағбатлантириш, чет элда мулкка эга бўлиш тартиби)

3.4.1. Табиат боғи ходимларини танлаш, аттестациядан ўтказиш ва уларнинг фаолиятини баҳолаш, жумладан, мукофот, устамалар ва рағбатлантиришнинг бошқа турларини амалга ошириш жараёни барча ходимлар учун шаффоф, тенг ҳуқуқли ва холис ҳисобланиб, мазкур Сиёсатнинг асосий тамойиллари ва талабларига мос келиши лозим.

3.4.2. Номзодларни Табиат боғика танлаш ва тайинлаш жараёни Номзодларни Табиат боғига қабул қилиш учун текшириш бўйича қўлланма ва Табиат боғининг бошқа ички ҳужжатларига, манфаатлар тўқнашувини бошқариш тартибига мувофиқ комплекс равишда текшириш билан бирга амалга оширилади.

3.4.3. Табиат боғида ходимларга оид масалаларда қарор қабул қилувчи ходимларнинг лавозимини оширганда, лавозимга тайинланганда, кадрлар заҳирасига қўшганда ва ҳ.к.ларда номзод (ходим)ларга ҳар қандай асоссиз имтиёзлар тақдим этиши тақиқланади.

3.4.4. Бўш лавозимларга саралаб олиш эгалланаётган лавозимга қўйиладиган талабларга мувофиқ очик танлов асосида ёки бошқа усул ёрдамида амалга оширилиши лозим. Бунда номзоднинг малакаси, касбий ва илмий ютуқларига асосий эътибор қаратилади.

3.4.5. Табиат боғида ходимлар фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичларини баҳолаш тартиби ва мезонлари ишлаб чиқилиши ва ходимлар унинг асосида рағбатлантирилиши лозим. Мазкур кўрсаткичлар ҳолис, шаффоф ва Табиат боғи ходимлари танишиб чиқиши учун очик бўлиши лозим.

3.4.6. Табиат боғи ходимларига тадбиркорлик билан шуғулланшига ёки уларнинг муассиси (иштирокчиси) бўлишга, чет давлат фуқаролигини олишга, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ҳисобварақлар очишга ва уларга эга бўлишга, кўчмас мулкка ва бошқа мол-мулкка эгалик қилиш тақиқланади. Бундан чет давлатда таълим олиш, стажировка ўташ ва тиббий хизматлардан фойдаланиш мақсадида очилган ҳисобварақлар, шунингдек давлат фуқаролик хизматида киришдан олдин олинган ва ошкор қилинган мол-мулк олиш мустасно.

3.5. Хизмат текширувлар ўтказиш ва Табиат боғи таркибий бўлинмалари фаолиятини ўрганиш

3.5.1 Турли хизмат текширувлари, ўрганишлар, мониторинг ўтказишда (кейинги ўринларда – текширув объеклари) Табиат боғи ва таркибий бўлинмалар ходимлари:

манфаатлар тўқнашуви юзага келишига йўл қўймаслиги;

текширув, ўрганиш, мониторинг объекти текшируви, ўрганиши, мониторингини яқка ўзи амалга оширмаслиги;

текширув, ўрганиш, мониторинг объектига ташриф буюрувчилар ёки уларнинг вакиллари ташкилот, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига шахсан ташриф буюрганда улар билан ёлғиз қолмаслиги;

йўл қўйилиши мумкин бўлган қоидабузарликларни сохталаштириш мақсадида текширув, ўрганиш ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик нормаларини нотўғри талқин қилмаслиги, текширилаётган объект ходимларини аниқланган фактларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш ёки бошқа давлат органларига топшириш билан қўрқитмаслиги;

текширув, ўрганиш, мониторинг объекти ходимларига таҳдид қилмаслиги;

ҳужжатларни сўраб олиш ва текширув, ўрганиш, мониторинг предметига қирмайдиган масалалар билан қизиқмаслиги лозим;

текширув, ўрганиш, мониторинг давомида аниқланган ҳар бир қоидабузарликнинг қонуний ва профессионал баҳоланишини таъминлаши;

қоидабузарликларнинг видео ёки фото қайдени амалга ошириши (ўрни келганда), Табиат боғи томонидан фойдаланиладиган ахборот тизимларига қоидабузарликларга оид маълумотларни киритиши;

агар текширув, ўрганиш, мониторинг объекти вакиллари Табиат боғи ва тариқибий бўлинмалар ходимига аниқланган қоидабузарликларни яшириш мақсадида пора ёки ҳар қандай моддий бойликлар ёки хизматлар тақдим этаётган бўлса, бу ҳақида текширув бўйича ишчи гуруҳ раҳбарига ва Табиат боғидаги коррупцияга қарши Ички назорат бўлимига зудлик билан хабар бериши;

текширув, ўрганиш, мониторинг объекти вакиллари Табиат боғи ва тариқибий бўлинмалар ходимларининг ҳуқ-атвор тамойилларига мувофиқ ҳолис муносабатда бўлиши шарт.

3.5.2. Табиат боғи томонидан ўтказилган текширувлар, ўрганишлар ва мониторинг натижалари юзасидан келиб тушган эътирозларни кўриб чиқиш учун комиссия ташкил этилади.

3.6. Ваколатли давлат органлари, контрагентлар ва учинчи шахслар билан шаффоф ва самарали ўзаро ҳамкорликни таъминлаш

3.6.1. Табиат боғи мазкур Сиёсат тамойиллари ва талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилик нормаларига зид ҳар қандай тўловларни ёки ҳаракатларни амалга ошириш учун етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа учинчи шахсларни жалб қилмайди.

3.6.2. Контрагентлар билан муносабатларда Табиат боғи қонунийлик ва шаффофлик тамойилларига амал қилади.

3.6.3. Табиат боғида объектив мезонлардан фойдаланишга асосланган етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа контрагентларни танлашнинг ҳалол, очик ва шаффоф жараёни, шунингдек, сотиб олинаётган товар ва хизматлар қийматини белгилашнинг шаффоф тартиби жорий этилиб, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Табиат боғининг ички ҳужжатлари билан тартибга солинади.

3.6.4 Контрагентлар билан ўзаро ҳамкорликда Табиат боғи:

Табиат боғида контрагентларни текшириш бўйича йўриқнома ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ потенциал контрагентнинг ишончилиги, жумладан у ўтмишда коррупциявий фаолиятга жалб қилинган ёки қилинмаганлиги, Табиат боғи ходимлари билан манфаатлар тўқнашуви мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текширади;

потенциал контрагент, жумладан, харид тартиб-таомиллари ҳолибини у билан шартнома матнига махсус коррупцияга қарши шартларни кўшиш орқали ўзининг коррупцияга қарши тамойил ва талаблари ҳақида хабардор қилади.

3.6.5. Ваколатли давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишда (масалан, лицензия бериш, ихтисослаштирилган кенгашларда иштирок этиш, турли ҳужжатлар, объектларни келишишда ва ҳ.к) Табиат боғи ҳужжатларни кўриб чиқишнинг шаффофлиги ва ҳолислигини таъминлайди ҳамда зарур

ҳолларда мазкур давлат органлари томонидан салбий ва бошқа хулосаларга келиш сабаблари хусусида қўшимча маълумотларни талаб қилади.

3.6.6. Контрагентлар билан муносабатларда шаффофлик ва одилликни таъминлаш мақсадида Табиат боғи ходимларига тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ёки тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этиши, уларнинг муассиси (иштирокчиси) бўлишга, тадбиркорлик фаолияти субъектида ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини бажариши тақиқланади, бундан акциядорлик жамиятларининг эркин муомалада бўлган акцияларига қонунчиликда белгиланган талаблар доирасида эғалик қилиш ҳоллари мустасно. Шунингдек, педагогик, илмий ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан шуғулланишга, Ўзбекистон Республикаси қонунларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида назарда тутилган ҳолатлар мустасно.

3.7. Хайрия ва ҳомийлик фаолиятининг шаффоф ва самарали жараёнини таъминлаш

3.7.1 Табиат боғи қонунчилик билан белгиланган ҳолатларда хайрия ва ҳомийлик ёрдамини кўрсатиши ва қабул қилиши мумкин. Бундай ёрдамни амалга ошириш ва олишда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, маблағларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки шартномада кўрсатилган мақсадларга самарали ва мақсадли йўналтирилишини таъминлаш, шунингдек, хайрия ва ҳомийлик фаолиятига доир ахборотни Табиат боғининг расмий веб-сайтида очиклаш бўйича барча чора-тадбирлар амалга оширилади.

3.7.2. Табиат боғи томонидан амалга ошириладиган ёки қабул қилинаётган хайрия ёки ҳомийлик ёрдами яширин мукофот тарзида бўлмаслиги ва Табиат боғининг алоҳида ходимлари томонидан хайрия олувчи ва хайрия қилувчи ёки ҳомий, унинг яқин қариндошлари, уларга алоқадор шахслар, шунингдек хайрия қилувчи ёки ҳомийда уларга нисбатан шахсий манфаатдорлиги бўлган шахслар фойдасига қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатмаслиги лозим.

3.7.3 Табиат боғи томонидан хайрия ёки ҳомийлик ёрдами беришда ва олишда қуйидаги талаблар бажарилиши лозим:

Хайрия олувчи ёки хайрия қилувчи ёки ҳомий билан албатта шартнома тузиш ва унда хайрия ёки ҳомийлик ёрдами бериш ёки олиш ва ундан фойдаланиш мақсадлари, ёрдам шакллари, ёрдамнинг пул ифодасидаги суммаси, хайрия олувчи, хайрия қилувчи ёки ҳомий олдида келиб тушган ёрдамдан мақсадли фойдаланиш тўғрисида ҳисоб бериш усули белгилаб қўйилиши лозим;

бундай шартномага коррупцияга қарши шартларни киритиш;

Табиат боғининг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида берилган ёки олинган хайрия ёки ҳомийлик ёрдамига доир ахборотни жойлаштириш.

Табиат боғида хайрия ва ҳомийлик фаолияти алоҳида мазкур соҳадаги ички меъёрий ҳужжат (сиёсат) билан тартибга солинади.

3.8. Ички ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси

3.8.1. Ички ҳужжатларнинг ҳукукий экспертизасини ўтказишда Табиат боғининг юридик хизмати коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун имконият яратувчи коррупциявий омиллар мавжудлиги ва уларни ҳужжатлардан чиқариб ташлаш мақсадида экспертиза ўтказди.

3.9. Табиат боғи фаолияти соҳасига янги технологияларни жорий этиш

3.9.1. Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш мақсадида Табиат боғи ходимлари ўз функциялари ва лавозим мажбуриятларини ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширади (агар имкони мавжуд бўлса).

3.9.2. Давлат харидлари доирасида танлов савдоларини ўтказишда Табиат боғи ходимлари ахборот технологияларидан фойдаланади ва танлов савдолари иштирокчилари билан ўзаро алоқани электрон шаклда онлайн режимида бошқа электрон тизимлар билан интеграция қилиш имкониятини қўллаган ҳолда амалга оширади.

3.10. Табиат боғидаги фаолиятни видеоқайд қилиш ва унинг трансляцияси

3.10.1. Табиат боғи биноларида ходимлар фаолиятини назорат қилиш мақсадида аудио ва видеоёзув камералари ўрнатилиб, улардаги ёзувлар Табиат боғининг масъул ходимлари томонидан кўриб борилади.

3.10.2. Табиат боғининг Интернет тармоғидаги расмий сайтларида коррупция хавф-хатари юқори бўлган айрим жараёнларнинг онлайн трансляцияси жойлаштирилади (хусусан, ходимлар билан суҳбат ўтказиш, уларни тестдан ўтказиш, комиссиялар йиғилишлари ва ҳ.к.).

IV боб. Коррупцияга қарши курашиш тизими элементлари

4.1. Коррупцияга қарши курашиш бўйича муҳим ички ҳужжатлар мавжудлиги

4.1.1. Коррупцияга қарши курашиш тизими асосини:

-мазкур Сиёсат;

-Табиат боғининг “Одоб-ахлоқ кодекси”;

-“Манфаатлар тўқнашувини бошқариш тартиби тўғрисидаги Низом”да акс эттирилган тамойиллар ва талаблар ташкил этади.

4.1.2. Табиат боғи раҳбарияти ва таркибий бўлинмалар раҳбарлари ходимларга олий раҳбарлик намунасини кўрсатиши лозим.

4.1.3. Директор, шунингдек, Табиат боғи таркибий бўлинмалари раҳбарлари ўзига бўйсунувчилар, фуқаролар ва юридик шахсларга нисбатан муносабатларда ҳалол, одил ва мустақил ҳуқ-атвор намунаси бўлиши ва шу орқали уларда коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга хизмат қилади.

4.1.4. Директор, шунингдек, Табиат боғи таркибий бўлинмалари раҳбарлари Табиат боғи фаолиятининг хавф-хатар функциялари (йўналишлари)га коррупцияга қарши самарали чора-тадбирлар ва тартиб-таомилларни жорий этиш

орқали коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизimini барпо этиш ва амалга оширишга нисбатан лидерликни намоиш қилади.

4.2. Коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш

4.2.1. Табиат боғи ўз фаолиятига хос коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашни ташкилий тузилмалар функцияларининг хусусияти, Табиат боғи ва бошқа шахслар билан ўзаро муносабатлар, шунингдек, Табиат боғида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиётига мувофиқ ташқи ва ички омилларни ҳисобга олган ҳолда амалда оширади.

4.2.2. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бир йилда бир мартадан кам бўлмаган вақтда ўтказилади. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари Директор томонидан кўриб чиқилади. Аниқланган хавф-хатарларни минималлаштирувчи коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар Табиат боғининг коррупцияга қарши Дастур ёки йўл хариталарида акс эттирилади.

4.3. Коррупцияга қарши курашиш учун масъул

4.3.1. Табиат боғида коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизimini шакллантириш учун алоҳида коррупцияга қарши Ички назорат бўлиmini ташкил этган.

4.3.2. Табиат боғида коррупцияга қарши Ички назорат бўлиmini ўз фаолиятини “Коррупцияга қарши ички назорат бўлиmini тўғрисидаги Низом” асосида амалга оширади ва бевосита Директорга бўйсунди.

4.3.3. Директор коррупцияга қарши Ички назорат бўлиmini коррупцияга қарши вазифаларни амалга ошириш учун етарли даражадаги мустақиллик ва зарур ресурслар билан таъминлайди.

4.3.4. Табиат боғининг Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлиmini “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги Низом”, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги нормаларида кўзда тутилган тартиб ва ҳажмда ходимларнинг яқин қариндошлари ва уларга алоқадор шахсларга доир маълумотларнинг тизимли ва ўз вақтида йиғилиши, таҳлил қилиниши ва актуаллаштирилиши учун жавоб беради.

4.3.5. Табиат боғининг барча тизим корхоналарида алоҳида Одоб-ахлоқ комиссиялари фаолият юритади.

4.3.6. Табиат боғидаги Одоб-ахлоқ комиссияси ходимларнинг хулқ-атвор қоидалари билан белгиланган хулқ-атвор меъёрларига риоя қилиш масалаларини кўриб чиқади, шунингдек, Табиат боғида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ вазиятларни тартибга солиш жараёнида иштирок этади.

4.4. Табиат боғининг коррупцияга қарши сиёсати тўғрисида ходимлар ва учинчи шахсларнинг хабардорлигини таъминлаш

4.4.1. Табиат боғи коррупциявий хавф-хатарларни кискартириш ва ходимларнинг хабардорлигини ошириш мақсадида мазкур Сиёсат ва ўзлари томонидан амалга оширилаётган коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларга оид асосий ахборотларни расмий веб-сайтларида жойлаштиради.

4.4.2. Табиат боғи барча куч ва имкониятларини ходимлари ва бошқа манфаатдор шахсларга қуйидагилар орқали Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш қонунчилиги нормалари, шунингдек, жорий этилган коррупцияга қарши таомиллар, чора-тадбирлар ва талаблар тўғрисида хабар бериш ва уларни тушунтиришга сарфлайди:

Табиат боғи раҳбарияти томонидан расмий веб-сайт, бошқа ахборот алмашиш воситалари орқали ходимлар томонидан коррупцияга қарши қабул қилинган нормалар ва талабларга риоя қилиниши муҳим эканлигига доир доимий хабарлар юбориш;

Табиат боғи ходимларини коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитишга доир режага мувофиқ мунтазам ва тизимли равишда бир йилда камида бир марта ўқитилиши ҳамда тестдан ўтказилишини таъминлаш;

янги ходимларни ишга қабул қилаётганда ушбу Сиёсат ва Табиат боғининг коррупцияга қарши курашишга доир бошқа ички ҳужжатлари билан албатта таништирган ҳолда, улар учун коррупцияга қарши курашиш бўйича кўрсатма (инструктаж) бериш;

Табиат боғидаги коррупция хавф-хатари юқори бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши ўқитишнинг қўшимча дастурлари белгиланади. Ўтказилган ўқув курслари (тренинглар)га оид маълумотлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда Табиат боғининг архивида сақланади;

Мавзуга доир аудио ва видеороликлар ҳамда Табиат боғи ходимлари ва фуқароларнинг коррупцияга қарши курашиш ва уларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги хабардорлигини оширишга қаратилган бошқа ахборот материалларидан фойдаланган ҳолда коррупцияга қарши тарғибот тадбирларини ташкил қилиш;

мазкур Сиёсат қоидаларини қўллаш ёки коррупцияга қарши чора-тадбирлар ва тартиб-таомилларни амалга ошириш билан боғлиқ саволлар туғилганда, Коррупцияга қарши Коррупцияга қарши ички назорат бўлими томонидан Табиат боғи ходимларига маслаҳатлар бериш;

тасдиқланган режа асосида Коррупцияга қарши Коррупцияга қарши ички назорат бўлими томонидан Табиат боғида коррупцияга қарши ҳуқ-атворни фаол тарзда тарғиб қилиш;

Табиат боғи ходимлари меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши қоидаларни киритиш.

Табиат боғи мазкур Сиёсат кучга кирган вақтдан бошлаб Табиат боғининг янги ходимлари билан тузиладиган, шунингдек, шартларни қайта кўриб чиқиш

доирасида ходимларнинг амалдаги меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши қоидаларни киритади.

4.4.3. Табиат боғи контрагентлари, ҳамкорлари, хайрия қилувчилари, ҳомийлари билан тузиладиган шартномаларга коррупцияга қарши шартларни киритиш. Коррупцияга қарши шартлар мазкур Сиёсат кучга кирган вақтдан бошлаб Табиат боғининг янги контрагентлари, ҳамкорлари, хайрия қилувчилари, ҳомийлари билан тузиладиган шартномаларга киритилади. Коррупцияга қарши шартлар Табиат боғининг барча шартномаларига киритилади (электрон дўкон, электрон аукцион орқали харид натижалари бўйича ва давлат табиий монополиялари (почта, электр энергияси, газ таъминоти, сув таъминоти, темир йўллари, ҳаво йўллари ва ҳ.к.) билан тузиладиган шартномалар бундан мустасно). Коррупцияга қарши шартлар мазкур Сиёсат қабул қилинишидан олдин тузилган шартномаларга шартларни қайта кўриб чиқиш доирасида ёки ташаббусга кўра киритилади.

4.5. Мониторинг, назорат ва ҳисобдорлик

4.5.1. Коррупцияга қарши ички назорат бўлими Табиат боғида амалга оширилаётган коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг доимий мониторинги, назорати ва уларнинг самарадорлиги, етарлилиги ва мутаносиблигини баҳоланишини амалга оширади. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра Табиат боғида коррупцияга қарши курашиш тизимини шакллантиришга доир тегишли чора-тадбирлар қабул қилинади.

4.5.2. Мониторинг ва назорат “Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услубиёти”га ва Табиат боғининг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

4.5.3. Коррупцияга қарши курашиш тизими мониторинги қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилиши лозим:

Табиат боғи назорат ва рухсат этувчи ҳужжатларни бериш функциялари, харидлар жараёни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқлиги бўйича таҳлили;

Ўзбекистон Республикасининг фаолиятида қўлланиладиган коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги ва ҳокимият органлари тавсияларининг мониторинги;

халқаро ва хорижий ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали тизимини яратиш ва қўллаб-қувватлаш масалаларига доир тавсиялари мониторинги;

оммавий ахборот воситаларининг Табиат боғи ёки ходимлари коррупциявий ҳаракатларга жалб қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек Табиат боғи контрагентлари ёки ҳамкорлари тўғрисида худди шундай маълумотлар мавжудлиги юзасидан мониторинг;

самарасиз назоратлар ва тартиб-таомилларни аниқлаш учун уларни такомиллаштириш ҳамда коррупцияга қарши тизим ишончлилиги ва

самарадорлигини таъминлаш мақсадида танлов асосида Табиат боғининг ички жараёнлари ва функцияларини мониторинг қилиш;

Табиат боғи ва таркибий бўлинмаларнинг коррупцияга қарши дастури бандлари бажарилишининг тўлиқлиги ва самарадорлигини мониторинг қилиш;

Табиат боғи ва таркибий бўлинмалар ходимлари томонидан қабул қилинган коррупцияга қарши талаблар ва жорий этилган тартиб-таомилларга риоя қилинишини текшириш;

Табиат боғи ва таркибий бўлинмалар ходимларининг коррупцияга қарши асосий тамойиллар ва талаблар тўғрисида хабардорлигини текшириш.

4.5.4. Табиат боғининг коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлиги (коррупциявий хавф-хатарлар мавжуд эмаслиги) коррупцияга қарши курашиш тизимини ички аудитини ўтказиш, жумладан, Табиат боғи ва таркибий бўлинмаларда белгиланган талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилишини назорат қилиш орқали текширилади.

4.5.5. Коррупцияга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш тадбирлари якунлари ва натижалари коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботларида акс эттирилади. Ҳисоботларни шакллантириш ва тақдим этиш тартиби Табиат боғида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботларини шакллантириш ва тақдим этиш бўйича ички идоравий ҳужжатда мустаҳкамлаб қўйилади.

4.6. Жавобгарлик

4.6.1. Мазкур Сиёсатга мос келиш ва Табиат боғининг коррупцияга қарши талаблари ва тартиб-таомилларига риоя қилиш ҳар бир ходимнинг ўз лавозим мажбуриятларини бажариш доирасидаги мажбурияти ҳисобланади. Ходимлар мазкур Сиёсат ва Табиат боғининг бошқа ички ҳужжатларида белгилаб қўйилган коррупцияга қарши курашиш масалаларига оид талаблар ва тартиб-таомилларни бузганлиги учун шахсан жавобгар бўлади.

4.6.2. Коррупцияга нисбатан мурасасизлик (токатсизлик) тамойилига амал қилган ҳолда Табиат боғининг барча ходимларига бевосита ёки билвосита, шахсан ёки воситачилар орқали ҳар қандай коррупциявий ҳаракатларда иштирок этиш қатъиян ман этилади, яъни:

ўз мансаб ва хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш, шунингдек, хизмат мавқеи ва ваколатларини суистеъмол қилиш мақсадида ҳар қандай шахслардан ноқонуний фойда талаб қилиш, сўраб олиш ёки сўраш, олишга розилик бериш ёки олиш, шунингдек, ходим томонидан ўз лавозим мавқеидан Табиат боғининг қонуний манфаатларига зид равишда, жумладан ўзи ва учинчи шахслар учун ноқонуний фойда олиш мақсадида ноқонуний фойдаланиш;

давлатнинг мансабдор шахси ёки бошқа ҳар қандай шахсга унинг ҳаракатларига таъсир ўтказиш (ҳаракатсизлигини таъминлаш) ёки шахс, жумладан Табиат боғи манфаатлари йўлида ноқонуний афзалликларни қўлга киритиш мақсадида лавозим мажбуриятларини ноқонуний тарзда бажаришга ундаш,

ноқонуний фойда (пора, порахўрлик) ни таклиф қилиш, ваъда бериш, бунга ижозат бериш, такдим этиш;

расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш, олиш ёки амалга ошириш;

порахўрлик ёки тижорий порага олишда воситачилик қилиш, жумладан пора олувчига ноқонуний фойдани топшириш ёки пора олувчи ёки берувчига улар ўртасида ноқонуний фойдани олиш ва бериш бўйича келишувга эришишда ёрдам бериш;

Табиат боғи ходимларининг коррупция белгилари мавжуд бўлган ёки уни содир этиш, жумладан манфаатлар тўкнашуви ҳолатлари юзага келишига хизмат қилувчи бошқа ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги.

4.6.3. Ходимлар ўз раҳбари ва Табиат боғининг Коррупцияга қарши ички назорат бўлимига уларни коррупциявий ҳаракатларини содир этишга ундаш мақсадида мурожаат қилган шахслар, шунингдек, уларга маълум бўлган бошқа ходимлар томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатларга оид барча ҳолатлар тўғрисида хабар бериши лозим.

4.6.4. Коррупцияга нисбатан мурасасизлик (тоқатсизлик) тамойилини ҳисобга олган ҳолда Табиат боғида ходимлар томонидан коррупциявий ҳаракатлар содир этилганлигига доир ҳар бир асосли гумон бўйича Табиат боғи ва таркибий бўлинмаларда хизмат текширувларини ўтказиш бўйича регламент ва бошқа ички ҳужжатларда кўзда тутилган тартибда ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ хизмат текшируви ўтказилади.

4.6.5. Мазкур Сиёсат, коррупцияга қарши қонунчилик талаблари ёки Табиат боғининг бошқа ички ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларни бузган Табиат боғи ва таркибий бўлинма ходимлари лавозими, хизмат муддати ва бошқа омиллардан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Табиат боғининг ички ҳужжатлари доирасида ва уларда кўзда тутилган асослар бўйича жавобгарликка тортилади.

4.6.6. Коррупциявий ҳаракатлар аниқланган тақдирда Коррупцияга қарши ички назорат бўлими уларни юзага келиш сабаблари ва имкониятларини таҳлил қилади ва доимий равишда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштиради.

4.6.7. Ички текширувлар натижалари доимий равишда Директорга ва Ҳайъатига такдим этилади.

4.7.8. Табиат боғи коррупциявий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва тергов қилиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорлик қилади.

V боб. Коррупциявий ҳаракатларга доир хабарлар

5.1. Табиат боғи ходимларининг ҳаракатлари қонунийлиги ёки этикага мослиги юзасидан шубҳа, коррупциявий ҳаракатлар ёки бошқа қоидабузарликлар билан боғлиқ тахминлар ёки содир этилганлигига оид асосли гумонлар юзага

келган тақдирда улар ҳақида Табиат боғининг умумфойдаланувидаги қуйидаги алоқа каналлари орқали маълум қилиш мумкин:

- бевосита Директорга;
- Ишонч телефон орқали -75-522-51-84;
- электрон почта орқали kitabgeopark@gmail.com;
- фейсбукдаги саҳифа орқали;
- почта орқали - 181300, Шахрисабз ш., Ипак йули кўчаси, 9 уй;
- Табиат боғининг Одоб-ахлоқ комиссияси раисига.

5.2. Табиат боғи ўз ваколатлари ва мавжуд имкониятлари доирасида қоидабузарликка оид асосли ахборотни тақдим этган шахсга доир маълумотлар махфийлигини таъминлайди, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

5.3. Табиат боғи ўз ходимлари манфаатларини ҳимоя қилади ва бошқа ходимларнинг шубҳали хулқ-атвори ёки мазкур Сиёсатнинг коррупцияга қарши курашиш талаблари бузилган бўлиши мумкинлиги ҳақида виждонан хабар берган ходимларга нисбатан ишдан бўшатиш, лавозимини тушириш, дискриминация, зулм ўтказиш, таъқиб қилиш сингари ўч олиш ҳаракатларига йўл қўйилмаслигини кафолатлайди.

5.4. Табиат боғининг алоқа каналлари орқали келиб тушган барча хабарлар Табиат боғи масъул шахслари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Табиат боғидаги коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва уларни кўриб чиқишга оид ички ҳужжатлар ва Табиат боғининг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ ўз вақтида ва ҳолисона кўриб чиқилади.

5.5. Табиат боғи ходимлари томонидан атайлаб ёлғон хабар юбориш мазкур Сиёсат талабларини бузиш ва этикага зид хулқ-атвор намунаси сифатида баҳоланади, бу ҳақида хабар берган шахс эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Табиат боғининг ички ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин.

VI боб. Яқуний қоидалар

6.1. Мазкур Сиёсат қуйидаги ҳолларда қайта кўриб чиқиши ва тўғирланиши мумкин:

мавжуд коррупцияга қарши сиёсатлар ва тартиб-таомилларни қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтирувчи Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши кураш соҳасидаги қонунчилиги ўзгарганда;

самарасиз коррупцияга қарши назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллари аниқланганда, шунингдек Табиат боғи фаолиятида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни такомиллаштириш зарурати юзага келганда; Табиат боғининг ташкилий тузилмаси ёки функцияларининг ўзига хос жиҳатлари ўзгарганда ва ҳ.к.